



## O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI VAZIRLAR MAHKAMASINING QARORI

2026 yil «24» iyun

№ 321

Toshkent sh.

### Мақтабгача таълим йўналиши бўйича халқаро тажриба асосида бакалаврлар тайёрлаш тизимини жорий этиш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Педагог кадрлар тайёрлаш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2025 йил 28 апрелдаги ПФ–73-сон ҳамда “Мақтабгача таълим ва тарбия тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2026 йил 5 февралдаги ПФ–19-сон фармонлари ижросини таъминлаш, шунингдек, мақтабгача ва мақтаб таълими ташкилотлари учун педагог кадрларни тайёрлаш тизимини халқаро тажрибаларга мос равишда такомиллаштириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади:

#### 1. Қуйидагилар:

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2025 йил 28 апрелдаги ПФ–73-сон Фармонида мувофиқ давлат ва нодавлат олий таълим ташкилотларида педагог кадрлар тайёрлаш сифатини таҳлил қилиш мақсадида талабалар билимини ташқи диагностика қилиш ҳамда педагогика олий таълим ташкилотлари битирувчиларини касбий сертификатлаш тизимларини жорий этиш;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2026 йил 5 февралдаги ПФ–19-сон Фармонида мувофиқ мақтабгача таълим йўналиши бўйича халқаро тажрибаларга мос равишда тегишли бакалаврлар тайёрлаш тизимини жорий этиш белгилангани маълумот учун қабул қилинсин.

#### 2. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга кўра:

##### а) 2026/2027 ўқув йилидан бошлаб:

давлат ва нодавлат мақтабгача таълим ташкилотларида фаолият юритаётган ўрта махсус маълумотли педагог кадрлар учун ҳафтада бир кун педагогика олий таълим ташкилотида, беш кун мақтабгача таълим ташкилотида тўлов-шартнома асосида мақтабгача таълим йўналишида бакалаврият босқичида дуал таълим шаклида (кейинги ўринларда – дуал таълим) ўқиш жорий этилади;

мақтабгача таълим йўналишида бакалаврлар тайёрлаш жараёнида мақтабгача таълим ташкилотлари тарбияланувчиларида замонавий кўникмаларни шакллантириш билан бирга жисмоний тарбия машғулотларини ўтказиш ҳамда биринчи тиббий ёрдам кўрсатиш бўйича зарур билим ва кўникмалар шакллантирилади;

педагог кадрлар тайёрлайдиган давлат ва нодавлат олий таълим ташкилотларида таҳсил олаётган бакалавр босқичи талабаларининг билимлари ҳар йили тасдиқланган режа-жадвал асосида ташқи диагностикадан ўтказиб борилади;

б) **2028/2029 ўқув йилидан бошлаб Ўзбекистон миллий педагогика университетининг, 2029/2030 ўқув йилидан бошлаб Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги тизимидаги педагогика олий таълим ташкилотларининг халқаро таълим дастурлари жорий этилган бакалаврият таълим йўналишларининг битирувчи курс талабаларига якуний давлат аттестацияси билан бирга ўз хоҳишига кўра касбий сертификатлаш синовларида бепул иштирок этиш имконияти берилади.**

### 3. Белгилансинки:

дуал таълим шаклида мактабгача таълим бакалаврият таълим йўналишида ўқишга давлат ва (ёки) нодавлат мактабгача таълим ташкилотларида камида уч йил давомида фаолият юритаётган ўрта махсус маълумотли педагог кадрлар олий таълим ташкилотлари бакалавриятига ўқишга қабул қилишнинг амалдаги тартибига мувофиқ ўтказиладиган тест синовлари асосида қабул қилинади;

дуал таълим шаклида мактабгача таълим бакалаврият таълим йўналиши бўйича қабул параметрлари ҳудудлардаги эҳтиёждан келиб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси таълим ташкилотларига қабул қилиш бўйича давлат комиссияси томонидан тасдиқланади;

дуал таълим шаклида мактабгача таълим бакалаврият таълим йўналишида педагогика олий таълим ташкилотларига фақат тегишли ҳудуддаги мактабгача таълим ташкилотларида фаолият юритаётган педагоглар қабул қилинади;

дуал таълим шаклида таълим жараёнларини ташкил этишда талабаларнинг мактабгача таълим ташкилотларидаги амалий фаолиятини методик жиҳатдан таъминлаш, мувофиқлаштириш ва баҳолаш механизмлари Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги билан келишилган ҳолда, Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги томонидан тасдиқланади;

дуал таълим шаклида таълим олаётган педагоглар ишлаб чиқаришдан ажралган ҳолда, малака ошириш курсларига жалб этилмайди.

### 4. Қуйидагилар:

Мактабгача таълим ташкилотларида фаолият юритаётган ўрта махсус маълумотли педагогларни дуал таълим шаклида ўқитиш тизимини ташкил этиш бўйича “йўл харитаси” **1-иловага** мувофиқ;

Дуал таълим шаклида мактабгача таълим бакалаврият таълим йўналишида кадрлар тайёрлаш йўлга қўйиладиган педагогика олий таълим ташкилотлари рўйхати **2-иловага** мувофиқ тасдиқлансин.

5. Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги, Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги:

**а) 2026/2027 ўқув йилидан бошлаб:**

мактабгача таълим йўналишида давлат ва нодавлат мактабгача таълим ташкилотларида фаолият юритаётган ўрта махсус маълумотли педагог кадрларни дуал таълим шаклида ўқитишни ташкил этсин;

мактабгача таълим бакалаврият таълим йўналишида кадрлар тайёрлаш жараёнида мактабгача таълим ташкилотлари тарбияланувчиларида замонавий кўникмаларни шакллантириш билан бирга жисмоний тарбия машғулотларини ўтказиш ҳамда биринчи тиббий ёрдам кўрсатиш бўйича зарур билим ва кўникмаларни шакллантиришни назарда тутувчи ўқув дастурларини жорий этсин;

ҳар йили давлат ва нодавлат олий таълим ташкилотларида мактабгача ва мактаб таълими соҳасида бакалаврлар тайёрлаш сифатини таҳлил қилиш учун талабаларнинг билимларини тасдиқланган режа-жадвал асосида ташқи диагностикадан ўтказиб борилишини таъминласин;

б) Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги тизимидаги педагогика олий таълим ташкилотларининг халқаро таълим дастурлари жорий этилган бакалаврият таълим йўналишларининг битирувчи курс талабаларига якуний давлат аттестацияси билан бирга ўз хоҳишига кўра касбий сертификатлаш синовларида бепул иштирок этиш имкониятини яратсин.

6. Ўзбекистон Республикаси Хукуматининг **3-иловага** мувофиқ айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

7. Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги, Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда ўзлари қабул қилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни **икки ой муддатда** ушбу қарорга мувофиқлаштирсин.

8. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари – иқтисодиёт ва молия вазири Ж.А. Қўчқоров ҳамда мактабгача ва мактаб таълими вазири Э.Г. Каримова зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг  
Бош вазири**



**А. Арипов**

**Мактабгача таълим ташкилотларида фаолият юритаётган ўрта махсус маълумотли педагогларни  
дуал таълим шаклида ўқитиш тизимини ташкил этиш бўйича  
“ЙЎЛ ХАРИТАСИ”**

Т/р	Чора-тадбирлар	Амалга ошириш механизми	Ижро муддати	Масъул ижрочилар
1.	Мактабгача таълим ташкилотларида фаолият юритаётган ўрта махсус маълумотли педагоглар учун дуал таълим шаклида (бир кун педагогика олий таълим ташкилотида, беш кун мактабгача таълим ташкилотида) (кейинги ўринларда – дуал таълим шакли) ҳудудлардаги эҳтиёждан келиб чиқиб, қабул параметрларини шакллантириш.	1. Мактабгача таълим ташкилотларида фаолият юритаётган педагог кадрлар таркибини таҳлил қилиш. 2. Дуал таълим шаклида ўқиш истагини билдирган педагоглар сони ва мактабгача таълим ташкилотларининг олий маълумотли кадрларга бўлган эҳтиёжини аниқлаш. 3. Ўзбекистон Республикаси таълим ташкилотларига қабул қилиш бўйича давлат комиссиясига қабул параметрларини шакллантириш бўйича таклиф киритиш.	2026 йил июль	Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги, Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги, Иқтисодиёт ва молия вазирлиги
2.	Олий таълим ташкилотларига қабул жараёнида дуал таълим шаклидаги мактабгача таълим йўналишига фақат тегишли ҳудуддаги мактабгача таълим ташкилотларида камида уч йил давомида фаолият юритаётган	1. Ўзбекистон Республикаси Ягона интерактив давлат хизматлари портали ҳамда Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳузуридаги Билим ва малакаларни баҳолаш	2026 йил август	Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги, Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги, Рақамли

	педагоглар қабул қилинишини абитуриентларни онлайн рўйхатдан ўтказиш шартларига киритиш.	агентлиги расмий веб-сайтининг техник имкониятларини кенгайтириш. 2. Камида уч йил давомида фаолият юритаётган педагоглар қабул қилинишини абитуриентларни онлайн рўйхатдан ўтказиш шартларига киритиш.		технологиялар вазирлиги, Билим ва малакаларни баҳолаш агентлиги
3.	Мактабгача таълим ташкилотларининг ўрта махсус маълумотли педагог кадрлари учун дуал таълим шаклида ўқув жараёнини ташкил этиш тартибини ишлаб чиқиш.	1. Ўрта махсус маълумотли педагог кадрлар учун дуал таълим шаклида ўқув жараёнини ташкил этиш тартибини ишлаб чиқиш. Бунда педагогика олий таълим ташкилотлари томонидан ўқитишнинг масофавий ва муқобил шаклларида кенг фойдаланишни назарда тутиш. 2. Дуал таълим шаклида ўқув жараёнини ташкил этиш тартибини тасдиқлаш.	2026 йил август	Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги
4.	Педагогика олий таълим ташкилотларида дуал таълим шаклида ўқитишнинг тўлов-шартнома миқдорларини белгилаш.	1. Дуал таълим шаклида ўқитишнинг тўлов-шартнома миқдорларини ҳисоб-китоб қилиш. 2. Тўлов-шартнома миқдорларини тасдиқлаш.	2026 йил август	Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги, Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги
5.	Мактабгача таълим ташкилотларида фаолият юритаётган ўрта махсус маълумотли педагог кадрлар учун дуал таълим шаклида бакалаврлар тайёрлашнинг ўқув режалари ва дастурларини тасдиқлаш.	1. Дуал таълим шаклида бакалаврлар тайёрлашнинг ўқув режалари ва дастурларини ишлаб чиқиш. Бунда мактабгача таълим бакалавриат таълим йўналишида кадрлар тайёрлаш жараёнида мактабгача таълим ташкилотлари тарбияланувчиларида замонавий кўникмаларни	2026 йил август	Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги, Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги

		<p>шакллантириш билан бирга жисмоний тарбия машғулотларини ўтказиш ҳамда биринчи тиббий ёрдам кўрсатиш бўйича зарур билим ва кўникмаларга эга педагогларни тайёрлашни назарда тутиш.</p> <p>2. Ўқув режалари ва дастурларини тасдиқлаш ва амалиётга жорий этиш.</p>		
6.	<p>Дуал таълим шаклида ўқув жараёнларини ташкил этишда талабаларнинг мактабгача таълим ташкилотларидаги амалий фаолиятини методик таъминлаш, мувофиқлаштириш ва баҳолаш механизмларини ишлаб чиқиш.</p>	<p>1. Дуал таълим шаклида талабаларнинг мактабгача таълим ташкилотларидаги амалий фаолиятини методик таъминлаш, мувофиқлаштириш ва баҳолаш тартибини ишлаб чиқиш.</p> <p>2. Ишлаб чиқилган тартибни тасдиқлаш ва амалиётга жорий этиш.</p>	2026 йил август	Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги

Вазирлар Маҳкамасининг  
2026 йил “ 24 ” июндаги 321-сон қарорига  
2-илова

**Дуал таълим шаклида мактабгача таълим бакалавриат  
таълим йўналишида кадрлар тайёрлаш йўлга қўйиладиган  
педагогика олий таълим ташкилотлари  
РЎЙХАТИ**

<b>Т/р</b>	<b>Олий таълим ташкилоти номи</b>	<b>Олий таълим ташкилоти жойлашган ҳудуд</b>
1.	Ўзбекистон миллий педагогика университети	Тошкент шаҳри
2.	Нукус давлат педагогика институти	Қорақалпоғистон Республикаси
3.	Андижон давлат педагогика институти	Андижон вилояти
4.	Бухоро давлат педагогика институти	Бухоро вилояти
5.	Жиззах давлат педагогика университети	Жиззах вилояти
6.	Шаҳрисабз давлат педагогика институти	Қашқадарё вилояти
7.	Наманган давлат педагогика институти	Наманган вилояти
8.	Навоий давлат университети	Навоий вилояти
9.	Самарқанд давлат педагогика институти	Самарқанд вилояти
10.	Каттақўрғон давлат педагогика институти	Самарқанд вилояти
11.	Гулистон давлат педагогика институти	Сирдарё вилояти
12.	Термиз давлат педагогика институти	Сурхондарё вилояти
13.	Чирчиқ давлат педагогика университети	Тошкент вилояти
14.	Урганч давлат педагогика институти	Хоразм вилояти
15.	Қўқон давлат университети	Фарғона вилояти

Вазирлар Маҳкамасининг  
2026 йил “ 24 ” июндаги 321-сон қарорига  
3-илова

## Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчалар

1. Вазирлар Маҳкамасининг “Давлат мактабгача ва умумий ўрта таълим ташкилотлари педагог кадрларини касбий сертификатлаш бўйича давлат хизматларини кўрсатишнинг маъмурий регламентини тасдиқлаш тўғрисида” 2024 йил 12 февралдаги 87-сон қарорида:

а) 3-банд куйидаги мазмундаги тўртинчи ва бешинчи хатбошилар билан тўлдирилсин:

“2028/2029 ўқув йилидан бошлаб Ўзбекистон миллий педагогика университетининг, 2029/2030 ўқув йилидан бошлаб Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги тизимидаги педагогика олий таълим ташкилотларининг халқаро таълим дастурлари жорий этилган бакалаврият таълим йўналишларининг битирувчи курс талабаларига якуний давлат аттестацияси билан бирга ўз хоҳишига кўра касбий сертификатлаш синовларида бепул иштирок этиш имконияти яратилади.

Бунда касбий сертификатлаш синовларини муваффақиятли топширган битирувчига мутахассис ўқитувчи лавозимида ишлаш ҳуқуқини берувчи касбий сертификат берилади”;

б) иловада:

2-бандда:

куйидаги мазмундаги бешинчи хатбоши билан тўлдирилсин:

“**битирувчи талаба** – Ўзбекистон Республикаси Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги тизимидаги педагогика олий таълим ташкилотларидаги халқаро таълим дастурлари жорий этилган бакалаврият таълим йўналишларининг битирувчи босқич талабалари”;

бешинчи – еттинчи хатбошилар тегишлича олтинчи – саккизинчи хатбошилар деб ҳисоблансин;

саккизинчи хатбоши куйидаги таҳрирда баён этилсин:

“**талабгор** – касбий сертификат олишга даъвогар бўлган битирувчи талаба, давлат мактабгача ва умумий ўрта таълим ташкилотидаги ҳамда аввал касбий сертификатлашда иштирок этиб, ўта олмаган стажёр-ўқитувчи, стажёр-тарбиячи, психолог ёки мутахассис лавозимидаги, шунингдек, педагоглар аттестациясидан ўта олмаган, мутахассис (олий маълумотли ўқитувчи) лавозимида мувофиқ эмас, эгаллаб турган лавозимида мувофиқ эмас (ўрта махсус маълумотлилар) деб топилган педагог кадрлар”;

8-бандда:

куйидаги мазмундаги иккинчи хатбоши билан тўлдирилсин:

“битирувчи талаба таҳсил олаётган таълим йўналиши бўйича касбий сертификатлашдан ўтади”;

иккинчи ва учинчи хатбошилар тегишлича учинчи ва тўртинчи хатбошилар деб ҳисоблансин.

2. Вазирлар Маҳкамасининг 2025 йил 6 августдаги 498-сон қарори билан тасдиқланган Ўрта махсус, касбий, олий ва олий таълимдан кейинги таълим, шунингдек, кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш ташкилотларини комплекс ҳамда махсус давлат аккредитациясидан ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомнинг 71-бандида:

қуйидаги мазмундаги олтинчи хатбоши билан тўлдирилсин:

“давлат ва нодавлат олий таълим ташкилотларида педагог кадрлар тайёрлаш сифатини таҳлил қилиш мақсадида ўтказилган талабаларнинг билимларини ташқи диагностика қилиш натижаларига кўра таълим йўналиши бўйича Мактабгача ва мактаб таълими вазирлигининг “педагог кадрлар тайёрлаш сифати белгиланган талабларга жавоб бермайди” деган хулосаси”;

олтинчи хатбоши еттинчи хатбоши деб ҳисоблансин.

3. Вазирлар Маҳкамасининг 2025 йил 13 сентябрдаги 578-сон қарори билан тасдиқланган Олий таълим ташкилотларининг бакалавриатига ўқишга қабул қилиш тартиби тўғрисидаги низомнинг 10-банди қуйидаги мазмундаги еттинчи хатбоши билан тўлдирилсин:

“ўрта махсус маълумотли педагог кадрлар учун дуал таълим шаклида ташкил этилган мактабгача таълим бакалавриат таълим йўналишига ўқишга кириш учун рўйхатдан ўтадиган абитуриентлар бир босқичда – ҳар йили 5 июндан 25 июнга қадар (25 июнь куни ҳам) рўйхатдан ўтказилади. Бунда абитуриентлар мазкур муддат давомида бакалавриат таълим йўналиши, таълим тили ва тест топшириш ҳудудини танлайди”.

